

# **АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШДА ИЖТИМОЙ ИНФРАТУЗИЛМАНИ РИВОЖЛАНТИРИШИНГ АҲАМИЯТИ**

**Г.Т.Самиева, доцент**  
*Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти*

Жаҳонда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда, бунинг учун давлатнинг зиммасида долзарб вазифаларни ечиш масаласи турибди. Дунёда урбанизация жараёни жадал ўсаётган даврда инфратузилмани ривожлантириш билан бир қаторда қишлоқ халқининг турмуш фаровонлигини ошириш масаласи ҳам энг олий мақсадлар қаторида турибди.

Инфратузилма хизматлари турини кўпайтириш ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш давлатнинг ижтимоий сиёсати бўлиш баробарида иқтисодий-ижтимоий самарадорликни ошириш, малакали кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, айниқса, сифатли таълим, соғликни сақлаш, майший хизмат кўрсатишни таъминлашга қаратилган инновацион бошқарув стратегияларини ишлаб чиқишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Халқаро ташкилотларнинг берган баҳосига кўра, бугун хориж давлатларида ижтимоий соҳалар ривожига давлат бюджетининг 1/3 қисми сарфланмоқда<sup>229</sup>. Ижтимоий инфратузилма соҳаларини бошқариш, унинг мақсадли ривожланиш йўналишлари ва мазмуни бўйича жаҳонда АҚШ, Япония, Жанубий Корея, Хитой, Европа етакчилик қилмоқда.

Глобал иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда ижтимоий инфратузилманинг ташкилий ва бошқарув тузилмасини инновацион асосда ташкил этиш, такомиллаштириш муҳим. Айниқса, давлат ижтимоий сиёсатида таълим сиёсати, уй-жой билан таъминлаш, майший хизмат кўрсатиш ҳамда соғликни сақлаш бўйича муаммоларнинг қишлоқ аҳолиси учун самарали ечимини ташкил этиш механизмларини ишлаб чиқиши бўйича тизимли равишда ислоҳотлар амалга ошириляпти. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.12.2022 йилдаги ПҚ-465-сонли “2023-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори асосида Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш, ҳудудларда, айниқса маҳаллаларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини янада ривожлантириш, шунингдек, аҳолининг турмуш даражасини ошириш ҳамда тадбиркорлар учун қулай инвестиция мухитини яратиш бўйича мақсадли вазифаларни амалга ошириш белгилланган<sup>230</sup>.

Ижтимоий инфратузилмалар ва уларни ривожлантириш орқали аҳоли фаровонлигини ошириш масалалари хорижлик олимлар Й.Шумпетер, Д.Нортон,

<sup>229</sup><http://mirznanii.com/a/257730/rol-promyshlennosti-v-mirovom-khozyaystve;www.wb.org;https://stud-files.net/>

<sup>230</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.12.2022 йилдаги ПҚ-465-сонли “2023-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори

П.Друкер, П.Довлинг, М.Портер, А.Райзберг, Р.Каплан каби олимларнинг тадқиқот ишларида, МДХ мамлакатлари олимларидан А.И.Гаврилов, Н.Н.Некрасов, А.Г.Синельников, Ж.Т.Тощенко, Т.Н.Арбузова, С.Г.Важенин, А.Г.Гранберг, А.Д.Еременко кабиларнинг асарларида акс эттирилган. Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан С.Гулямов, Н.Йўлдошев, Б.Фойибназаров, А.Расулов, Ш.Шодмонов, Ш.Зайнутдинов, А.Шарипов, С.Хамраева, Ш.Юлдашевалар томонидан ижтимоий инфратузилмалар ривожланишининг назарий ва амалий томонлари юзасидан қатор тадқиқотлар олиб боришган.

Инфратузилманинг яратилиши моддий ишлаб чиқариш билан узвий боғлиқ ҳисобланади, шунингдек унинг ривожланиши хизмат кўрсатиладиган ва интеграцияланадиган тармоқларда янги ишлаб чиқариш ва фаолият турларини вужудга келтиради. Ижтимоий ишлаб чиқариш соҳасида ижтимоий меҳнат унумдорлигининг ўсиши жамиятда катта миқдордаги ресурсларни ахолига хизмат кўрсатиш учун бўшатади. Инфратузилманинг вужудга келиши жамиятда ишлаб чиқариш кучларининг ривожланаётганини билдиради, натижаси сифатида унинг таркибидаги тармоқлар ички иқтисодий умумийлигини ҳамда маълум бир вазифаларни адо этиши билан белгиланади.

Ижтимоий инфратузилма таркиби қўйидагилардан иборат:

- Уй-жой коммунал хўжалиги;
- Соғликни сақлаш;
- Маориф (таълим ва мутахассис-профессионал кадрларни ўқитиш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш)
- Алоқа ва коммуникациялар, ахборотлаштириш хизматлари;
- Майший хизмат;
- Ахолини ижтимоий қўллаб-куватлаш;
- Фан ва маданият;
- Жамоат ташкилотлари;
- Спорт, соғломлаштириш ва дам олиш масканлари;
- Ахолини ташиб (йўловчи транспорт);
- Жамоат тартибини сақлаш ва мудофаа;
- Ижтимоий таъминот ва ҳ.к.

Ижтимоий инфратузилма таркибига ижтимоий-майший ва ижтимоий маънавий инфратузилмаларни қамраб олган. Айниқса, қишлоқ ахолиси учун ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш механизмини такомиллаштириш давлатимиз ижтимоий сиёсати ҳал этиши лозим бўлган вазифалардан биридир. Ижтимоий инфратузилма обьектлари ўз фаолиятини олиб бориш жараёнида хизмат кўрсатиш билан бир вақтда товар ишлаб чиқариш фаолиятини ҳам қамраб олади. Бунда асосан ахоли турмуш даражасини яхшилаш, ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш мақсадлари илгари сурилади<sup>231</sup>.

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш даражасини баҳолаш учун ахолининг ҳаёт сифатини яхшилаш, унинг

<sup>231</sup> Samiyeva, G. T. (2022). The Most Important Aspects of Studying the Living Standards of the Population. [Academic Journal of Digital Economics and Stability, Volume 16](#), April 2022, Pages 79-83

фаровонлиги ва узоқ умр кўриш даражасини ошириш, соғлом, ижодий фаол авлодни шакллантириш ва қайта тиклашга қаратилган ижтимоий сиёсатнинг асосий вазифаларини инобатга олиши керак. Жумладан, аҳолини сифатли уйжой билан таъминлаш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш даражаси ва сифатини ошириш, инсон ҳаётининг маданий соҳасини яратиш, ҳаёт ва меҳнатнинг экологик шароитларини яхшилаш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ёшлар ва пенсионерларнинг ижтимоий ҳимоя кафолатларини яратиш каби ижобий натижаларга эришиш ушбу соҳанинг тизимли баҳолаш кўрсаткичлари сифатида намоён бўлади<sup>232</sup>.

Тадқиқотлар олиб борилаётган худудий ижтимоий инфратузилма таркибида аҳоли турмуш даражасини яхшилашга йўналтирилган соғлиқни сақлаш, таълим, уй-жой ва коммунал хўжалиги, ободонлаштириш, бандлик ва бошқа кўплаб хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолияти мужассам қилинмоқда. Уларнинг барчаси энг аввало давлатимиз ҳукумати томонидан чиқарилаётган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, асосан стратегияларда акс эттирилмоқда.

Ижтимоий сиёсат – инсон ҳаёти фаолияти барча шароитлари йиғиндисини, моддий ва маънавий неъматларни кафолатловчи таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, пенсия таъминоти, уй-жой коммунал хўжалиги, жисмоний тарбия ва спорт, майший ва ижтимоий ҳимоя соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор жиҳатлари акс этган сиёсатdir.

Аҳоли фаровонлигини бир хил таъминлаш имконини бермаётган фаолият ҳам айнан – ижтимоий инфратузилма ёхуд сифатли хизмат кўрсатишнинг худудларда турли-туманлиги. Қишлоқ аҳолиси ҳам ижтимоий инфратузилма хизматларидан сифатли фойдаланишга ҳақли бўлганликлари каби улар учун ҳам ислоҳотларнинг тенг кетиши бирламчи масаладир.

## КЛАССИФИКАЦИЯ ФАКТОРОВ, ВЛИЯЮЩИХ НА УРОВЕНЬ ЖИЗНИ СЕЛЬСКОГО НАСЕЛЕНИЯ

*М.Ю.Алимова, старший преподаватель  
Каршинский инженерно-экономический институт*

На протяжении многих лет основной целью проводимых в нашей стране экономических реформ является дальнейшее повышение уровня жизни сельского населения. За последние годы в нашем регионе разработаны правовые, социальные и экономические механизмы, направленные на повышение уровня жизни населения, проживающего в сельской местности. Стратегия действий, направленная на развитие Республики Узбекистан, как ее продолжение, в Стратегии развития определен ряд задач. Президент Узбекистана Ш.Мирзиёев заявил, что «...внедрение кластерной системы, основанной на рыночных механизмах, вполне современной формы хозяйствования в сельском хозяйстве,

<sup>232</sup> Samiyeva, Gulnoza Tokhirovna, and B. I. Xaydarov. "The Importance of Self-Employment and Self-Reliance in Improving the Well-Being of the Population Self-Employment." *Journal of Marketing and Emerging Economics* 2.5 (2022): 36-41.